

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛОВА МАФТУНА АБДУСАЛАМОВНА

ЎЗБЕК МОДЕРН ШЕЪРИЯТИ ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Холова Мафтуна Абдусаламовна Ўзбек модерн шеърляти поэтикаси	5
Холова Мафтуна Абдусаламовна Поэтика узбекской поэзии модерн	23
Kholova Maftuna Abdusalamovna The poetics of modern uzbek poetry	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛОВА МАФТУНА АБДУСАЛАМОВНА

ЎЗБЕК МОДЕРН ШЕЪРИЯТИ ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
№В2017.2.PhD/Fil137 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Умуров Ҳотам Икромович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тўраев Дамин**
филология фанлари доктори, профессор

Ражабов Дилшод Зарипович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек
тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс:(8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги __ -рақамли реестр баённомаси).

Муҳиддинов М.Қ.
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Пардаев А.Б.
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

Салоҳий Д.И.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида модернизм фалсафа, санъат ва адабиёт соҳасидаги ноқлассик қарашлар тизимини ифодаловчи, китобхонни ижодий жараёнга чорловчи ва унинг рецептив-эстетик қобилятини фаоллаштирувчи “очиқ асар” поэтикасининг асосий манбаси бўлиб, унинг моҳияти ҳақида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Маълумки, модернизм оқими XIX асрнинг иккинчи ярмида Ғарбда санъат ва адабиётдаги шаклларни узлуксиз янгилаб бориш, бадиий ижоднинг “эски ва имкониятларини сарфлаб бўлган” усулларидан воз кечиш, янгича дунёқараш ва ифода усуллари, интеллектуал эркинлик тамойиллари асосида майдонга келган эди. Кейинчалик бу оқим адабиёт, санъат соҳаларидан ташқари инсон тафаккурининг барча соҳаларига ёйилди ва уларнинг ривожланишига туртки берди.

Дунё илмий-назарий тафаккурининг кейинги тараққиёти жараёнида модернизм ҳодисаси ўзининг услубий ва ғоявий ранг-баранглиги билан ундан олдинги даврлар адабиётидан кескин фарқ қилиб, XX аср жаҳон эстетик тафаккурида етакчи бўлиб қолди. Адабиётда модернизм объектив воқеликнинг тасвири ўрнига унинг ижодкор тасаввуридаги бадиий моделини яратишни мақсад қилади. Яъни бу ўринда воқеликни акс эттириш эмас, ижодкорнинг ўз-ўзини ифодалаши устувор аҳамият касб этади. Жаҳон адабиётидан модернизм тенденцияларининг кириб келиши тарихи ва унинг мустақилликдан кейинги ҳолатини атрофлича ёритиш эҳтиёжи бу хусусда янгича ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб бориш заруратини ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётшунослигида янгича қарашлар тизими шаклланди, ижодкорларга ижод эркинлиги, миллий анъаналар билан бир қаторда дунё адабиётшунослигидаги янгича услуб ва ёндашувларни илмий-ижодий ўзлаштириш, бадиият, тадқиқотларда қўллаш ҳолатлари шаклланди. Бинобарин, истиқлол даври шеъриятида оламини янгича поэтик идрок этиш янги босқичга кўтарилди, ўзбек шоирлари жаҳон адабиёти сарчашмаларидан воқиф бўлган ҳолда бадиий дид, эстетик тафаккурни янгилаш йўлига ўтдилар. Зеро, “...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт ва маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”лиги¹ бу долзарб вазифани муваффақиятли удалаш бугуннинг асосий талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4-август.

ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё фалсафаси ва адабиётшунослигида модерн шеърият хусусида Р.Барт, Ф.Маринетти, Х.Ортега-Гассет, Р.Уэллек, О.Уоррен, Г.Гессе, П.Рикёр, Э.Ховардсхолм, Э.Фромм каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган².

Мамлакатимиз адабиётшунос олимлари, мунаққидлари ўзбек адабиётида модернизм, шеъриятдаги туб модерн ўзгаришлар ҳақида кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида баҳс-мунозараларга бой мақолалар, адабий суҳбатлар эълон қилдилар. О.Шарафиддиновнинг “Модернизм жўн ҳодиса эмас”³, У.Норматов билан У.Ҳамдамнинг “Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи”⁴ суҳбатларида, Б.Саримсоқовнинг “Абсурд маънисизликдир”⁵, П.Қодировнинг “Маънавият, модернизм ва абсурд”⁶, Э.Очилнинг “Сиз шеър айтасизму ё одам кўрқутасиз?”⁷, Қ.Йўлдошевнинг “Тишинг ўтмаса, тош чайнама...”, “Англашнинг азобли йўли”⁸, Д.Тўраевнинг “Давр ва қаҳрамон”⁹ номли мақолаларида ўзгараётган бадиий тафаккур меваси бўлиб дунёга келаётган модерн шеърият, унинг туғилиш сабаблари ва қонуниятларини очиқ беришга ҳаракат қилинган. Бу мақолаларнинг айримлари модернизм йўналишидаги асарларни танқид қилгани, баъзилари эса янгича шеъриятнинг муқим яшаб қолишига ишонч билдириши нуқтаи назаридан мазкур муаммо хусусидаги фикрлар хилма-хиллигини ифодалайди.

² Называть вещи своими именами. – Москва: “Прогресс”, 1986. – С. 460.

³ Шарафиддинов О. Модернизм жўн ҳодиса эмас // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2002 йил, 18 апрель.

⁴ Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: “Шарк”, 2007. – Б. 234-278 .

⁵ Саримсоқов Б. Абсурд маънисизликдир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2002 йил, 28 июнь.

⁶ Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004 йил, 26 март.

⁷ Очил Э. Сиз шеър айтасизму ё одам кўрқутасиз? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004 йил, 17 сентябрь.

⁸ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006. – Б. 143-170.

⁹ Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004. – Б.41-60.

Адабиётшунос Дилрабо Қувватованинг “XX аср иккинчи ярмида ўзбек поэмаси”¹⁰ номли монографиясида ҳам модернистик поэмалар, уларда жаҳон поэмачилиги анъаналарининг янгича давом эттирилиши, поэмалардаги образлар тизими, композицион тузилиш каби масалалар таҳлил қилинади. Монографиянинг “Модернистик изланишлар” деб номланган фаслида модерн поэма поэтикасини ёритиши ҳам мазкур муаммонинг нақадар бугунги кундаги аҳамиятини белгилайди. Шунингдек, А.Ҳайитовнинг “90-йиллар ёшлар шеърлятида анъанавий ва шаклий изланишлар”¹¹ мавзуидаги номзодлик диссертациясида модерн шеър тарихи ва поэтикасини махсус тадқиқ қилиш бош мақсад қилиб олинмаганлиги туфайли ўзбек модерн шеърлятининг айрим намуналари таҳлилга тортилади. Таъкидлаш жоизки, тадқиқотчи Муҳайё Йўлдошеванинг “Ҳозирги ўзбек модерн шеърлятининг асосий хусусиятлари”¹² мавзуидаги номзодлик диссертацияси ҳозирча ўзбек адабиётшунослигида модерн шеърлят тадқиқига бағишланган ягона мустақил тадқиқот бўлиб турибди. М.Йўлдошева, асосан, модерн шеърлятга хос етакчи хусусиятлар, бу шеърлятнинг бадиийлигини таъминлаган асосий омиллар, миллий руҳнинг намоён бўлиши, модерн шеърлятда тасаввуфий рамзларнинг учраши каби масалаларни Р.Парфи, Б.Рўзимухаммад, Т.Али, Фахриёр, У.Ҳамдам, Г.Бегим, Ғ.Мирзо, Д.Ражаб, А.Саид, С.Меҳмонова кабилар ижоди мисолида текширади. Аммо мазкур тадқиқотда ўзбек модерн шеърлятининг тарихи тўлалигича очиб берилмаган, бадииятининг назарий жиҳатлари тадқиқотнинг асосий мақсади қилиб олинмаган.

Мазкур тадқиқотда модерн шеърнинг жаҳон ва ўзбек адабиётида пайдо бўлиши, бунга туртки бўлган асосий омиллар, ўзбек модерн шеърляти тараққиёт тенденцияларининг назарий томонларини атрофлича тадқиқ этиш кўзда тутилади. Зеро, бугунги ўзбек модерн шеърляти холисона ва чуқур тадқиқ ҳамда таҳлилга муҳтож.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” ва Ф1-ХТ-0-19919 “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” (2012-2016 йй.) фундаментал давлат гранти лойиҳаси таркибида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги ўзбек модерн шеърлятининг генезисини ёритишга, хусусан, унинг спецификаси ва тараққиёт тенденцияларини, бадиий-эстетик тафаккур такомиллидаги ўрни масалаларини замонавий шоирларимиз ижоди мисолида илмий-назарий асослашдан иборат.

¹⁰ Қувватова Д. XX аср иккинчи ярмида ўзбек поэмаси. Монография. – Тошкент: Турон замин зию, 2014. – Б. 59-72.

¹¹ Ҳайитов А. 90-йиллар ёшлар шеърлятида анъанавий ва шаклий изланишлар: Филол. фан. номз... дис. – Тошкент: 2003.

¹² Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърлятининг асосий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дис.авторреф. – Тошкент: 2004.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

модернизм ҳодисасининг тарихий-ҳаётий асослари, унинг ўзбек адабиётидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш;

модерн услубда миллий руҳнинг намоён бўлиши, анъанавий шеърятдан фарқли жиҳатлар каби ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, образ яратиш усул ва йўсинларини кўрсатиш;

модерн шеърлар таркибидаги метафора, рамз, эпитетнинг ўрнини асослаш;

замонавий шеърятда мумтоз тимсоллар моҳиятининг модерн шаклларда намоён бўлишини исботлаш, модерн шеърӣ техника ва қофияланиш тартибидаги ўзига хосликни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чўлпон, Фитрат, А.Мухтор, Р.Парфи, А.Қутбиддин, Фахриёр каби ижодкорлар шеърлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети диссертацияга объект қилиб олинган шеърлар поэтикасининг модернизмга нисбат берадиган элементлари ташкил қилди.

Тадқиқот усулларининг бадиий матн таҳлилини қиёсий-тарихий, структурал, биографик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек модерн шеърятига хос бўлган поэтик индивидуал хусусиятлар, унинг бадиийлигини таъминловчи воситаларнинг шеърӣ нутқда адабий – эстетик ҳодиса сифатида намоён бўлиши илмий-назарий асосланган;

замонавий шеърятда миллий руҳнинг пайдо бўлиши, унинг етакчи хусусиятларини ифодаловчи бадиий рамз, метафора, эпитет (сифатлаш) каби тасвирий воситаларнинг ифодаланиши, бадиий тилнинг ўзига хос поэтик ва семантик жиҳатлари, қофия поэтикасининг модерн шеърятдаги эркин талқини очиб берилган;

модерн шеърятдаги жанрлар ва унинг бадиий элементлари, эркин ва бармоқ вазнида асосий шеърӣ ўлчов воситаси эканлиги, шунингдек, анъанавий шеърят билан модерн шеърятнинг ўзига хос ва муштарак жиҳатлари ёритилган;

ҳозирги ўзбек шеърятда модернизм етакчи тасвир усулига айланганлиги ва анъанавий шеърятда ҳам модерн дунёқараш акс этаётганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

модернизм ҳодисасининг тарихий-ҳаётий асослари, ўзбек адабиётидаги ўрни ва аҳамияти белгиланган;

модерн лирикада образ яратиш усул ва йўсинлари кўрсатилиб, модерн шеърлар таркибида метафоранинг ўрни аниқланган;

оғзаки ва ёзма нутқ имкониятларини яхлитлаштириш тажрибалари туфайли тиниш белгиларисиз шеърлар ҳам яратилаётганлиги текширилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, назарий маълумотларнинг бирламчи илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, шеър таҳлили қиёсий-

тарихий, структурал, биографик методлар кўмагида асосланганлиги, назарий хулоса ва фаразларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти модернизм тарихи ва назариясини яратишда, хусусан, тасвир объекти ва субъекти масалаларига оидлик киритишда, замонавий лирик жанрларнинг ривожланиш қонуниятларини, модерн шеърлардаги образларнинг бадиий-эстетик табиатига дахлдор масалаларни қиёсий ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртлари учун қўлланмалар яратиш, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларини ёзишда, академик лицейларда ҳозирги ўзбек шеърлятида модернизм масаласи бўйича маърузалар ўқишда, шунингдек, замондош ёзувчиларимиз ижодига хос янгилашлар тизимини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида “Адабиёт назарияси”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи”, “Ҳозирги адабий жараён” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишга, замонавий ўзбек шеърляти бўйича ихтисослик фанларини ўқитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек модерн шеърляти поэтикасини тадқиқ этиш ҳамда унинг илмий - назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

модерн шеърлятда мифологик образларнинг қўлланилиши ҳақидаги хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919 “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 19 октябрдаги ФТА-02-11/913-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланилиши натижасида модернизм йўналишида ижод қилуви Рауф Парфи, Абдували Қутбиддин, Фахриёр каби шоирлар ижодидаги мифологик образларнинг этимологиясини очиқ беришга оид назарий хулосалар чиқарилган;

замонавий шеърлятимизда халқ оғзаки ижоди намуналари, мифик образлар, афсона ва ривоятлар, улар орқали миллий қадриятларимизни модернча талқинда ифодалаш каби хулосалар “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги ХТ-Ф2-004-рақамли ёш олимлар фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 апрелдаги 89-03-1400-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўзбек халқ дostonлари таркибида учрайдиган Алптегин, Гўрўғли, Ғирот, Аждарҳо каби қахрамонларнинг янги талқинларининг моҳиятини ёритишга хизмат қилган;

ўзбек адабиётида модерн услубда яратилаётган шеърларнинг поэтик хусусиятлари, бадиияти, замонавий шеърларнинг вазн, тил ва қофия поэтикасининг ўзига хос жиҳатлари таҳлили ҳақида тегишли илмий хулосалардан Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтези” фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 89-03-2736-сон маълумотномаси). Шу асосда Шарқ ва Ғарб

адабиётида модерн шеър поэтикасига оид материаллар назарий жиҳатдан мукаммаллаштирилган;

бугунги ўзбек шеърлятида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси қошидаги “Садоқат” ижодий тўғараги ёш ижодкорларига маърузалар қилинган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2017 йил 31 сентябрдаги №01-03/955-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг амалиётда қўлланилиши тўғарак аъзолари бўлган ёш ижодкорларнинг модерн шеър поэтикасини теранроқ англашларига кўмаклашган;

ўзбек адабиётига модерн йўналишининг кириб келиши, бунга туртки бўлган асосий омиллар, миллий руҳнинг пайдо бўлиши хусусида телетомошабинларга маълумотлар бериш мақсадида диссертация материалларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ёшлар” телеканалининг “Айвон” кўрсатуви сценарийини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ёшлар” телеканалининг 2018 йил 27-апрелдаги 14-01-363-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув мазмун-мундарижасининг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, улардан 4 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 135 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Модернизм тарихи ва назарияси”** деб аталган биринчи боби икки фаслдан иборат. Бобнинг биринчи фасли *“Назарий поэтикада модернизм муаммоси”* деб номланиб, “модернизм” термини

билан тавсифланадиган ҳодисаларнинг тарихи ўрганилиб, тушунчага берилган назарий таърифлар илмий умумлаштирилган.

XX аср адабиёти ўзининг услубий ва ғоявий ранг-баранглиги билан барча даврлар адабиётидан кескин фарқ қилади. Айнан XIX аср охири XX асрлар бошларида Европа ва Америкада одамларнинг дунёни ҳис этишлари ва борлиққа муносабатларида қатъий бурилиш юз берди. Туркистонда, у ижод аҳлига Биринчи жаҳон урушидан кейин ўз таъсирини кўрсата бошлади. Бу пайтга келиб Европа ва Россия санъати янги, аввал ўзига хос бўлмаган хусусиятларни бир қадар эгаллаб бўлган эди. Узоқ йиллик тарихи давомида санъат кўплаб инқирозларни бошдан кечирган, аммо бу галги ўзгаришларни илгариги таназзуллардан бири сифатида баҳолаб бўлмасди. Санъат ўзининг классик нафосат билан йўғрилган идеалидан айро тушди, қайтариб ва таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Адабиётшунос Д.Қуроновнинг интернетдаги саҳифасидан олинган куйидаги фикр буни асослайди: “Модернизм (фр. *moderne* – энг янги, замонавий) – XIX аср охири - XX аср бошларида оммалашган термин, санъат ва адабиётда декадансдан кейин майдонга чиққан нореалистик оқимларнинг умумий номи сифатида тушунилади. Табиийки, адабиёт ва санъатда кенг тарқалган мазкур ҳодиса бўш жойда пайдо бўлган эмас, унинг куртаклари аввалдан мавжуд эди”¹³.

“Асл бадиийлик ҳеч қачон оммавий бўлмаган. Бундай санъат ҳаммага тушунарли ҳам, ҳаммага маъқул ҳам бўлолмайди. Шўровий мафкура таъсирида санъатга санъат деб эмас, балки ҳаётнинг давоми, унинг қисми деб қарашга одатланилган. Энди ҳаётга ўхшамайдиган, уни акс эттирмайдиган, балки ўз ҳолича янги эстетик ҳаёт саналадиган чинакам санъат асарлари яратила бошланди. Бунинг учун ижодкорларда экспериментлар қилиш, синовлар ўтказиш, изланиш, хатолар қилиш ва уларни тўғрилаш имкони бўлиши керак”¹⁴. Қ.Йўлдошев назарда тутаётганидек, жаҳонни модернистик тарзда қабул қилиш ва ифодалашдаги энг муҳим фарқлардан бири шундаки, ҳар қандай ҳодиса, унинг ҳар қайси унсур ва компонентлари (реализмдагидек) тарихий тараққиёт натижаси сифатида, айни пайтда, тарихийлик принциpidан юқорироқ, метафизик ҳодиса сифатида тушунилади. Бундай алоқадорлик реаллик – асл реаллик, вақт – абадият каби энг асосий модернистик қарама-қаршиликлар асосида ётади.

Модернизм дастлаб назмда бўй кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам, П.Элюар (1895—1952) ва Л.Арагон (1897—1982) каби француз шоирлари сюрреализмнинг етакчи намояндалари эдилар. Бироқ модерн услубида назмга нисбатан наср – М.Прустнинг “Йўқотилган вақтни излаб” (“В поисках утраченного времени”), Ж.Жойснинг “Улисс”, Ф.Кафканинг “Қаср” (“Замок”) романларининг устуворлиги кўзга ташланади. Бу романлар адабиётда “йўқотилган” деган ном олган авлодни келтириб чиқарган. Биринчи жаҳон уруши воқеаларига жавоб сифатида дунёга келди. Уларда

¹³ Quronov D. Modern she'riyast belgilari > <http://quronov.narod.ru/mod.html> (April, 2018)

¹⁴ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006. – Б. 168-169.

инсоннинг маънавий, рухий, ғайритабиий ҳолатлари таҳлил қилинди. Бу асарларнинг муштарак жиҳати шундаки, уларда француз файласуфи, интуитивизм вакили Анри Бергсон (1859-1941) томонидан кашф этилган “онг оқими” таҳлили усулидан кенг фойдаланилганлигидадир.

Модернизмга хос умумий хусусиятлардан бири шуки, у объектив воқеликнинг тасвири ўрнига унинг ижодкор тасаввуридаги бадиий моделини яратишни мақсад қилади. Яъни бу ўринда воқеликни акс эттириш эмас, ижодкорнинг ўз-ўзини ифодалаш (қ. экспрессионизм) устувор аҳамият касб этади. Ижодда субъективликнинг олдинги ўринга чиқарилиши, мантиқий билишдан интуитив билишнинг юқори қўйилиши, инсон ички оламида кечувчи тизгинсиз эврилишларга айрича эътибор берилиши (қ. онг оқими), ижодкор шахс ижодий тахайюли ва у акс эттирган воқеликнинг бетакрор ходиса сифатида тушунилиши, ўз ўй-ҳисларини ҳеч қандай (маънавий, ахлоқий, сиёсий ва ҳ.) чекловларсиз ифодалаш ҳуқуқининг эътироф этилиши ҳам модернизмга хос хусусиятлардандир. Ижодий эркинлик нафақат ғоявий-мазмуний, балки шаклий изланишларда ҳам мутлақо дахлсиз. Бу ҳол модернизмдаги бадиий образ структураси, асарнинг субъектив ва объектив ташкилланиши, баён тарзи, сюжет-композицион қурилиши, тил хусусиятлари – ҳуллас, адабий асарнинг барча сатҳларида шаклий ўзига хосликларни юзага келтирилганлиги биринчи бобнинг биринчи фаслида ўз ифодасини топган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “*Ўзбек модерн шеъриятининг асосий белгилари*” деб номланган бўлиб, бу фаслда модерн шеъриятнинг ўзбек адабиётида пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллар таҳлил қилинади. Ўзбек адабиётида модернга бўлган интилиш шеъриятда яққолроқ кўзга ташланади. XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек поэзиясида бир қанча ижодкорлар модернча экспериментлар қилишга жазм эта олдилар. Бунинг биринчи сабаби инсон, айниқса, ижодкор шахс табиатидаги янгиликка интилиш бўлса, иккинчиси ўша даврдаги ижтимоий тузумдан норозилик кайфиятларини модернча услубда гавдалантириш эди. Модерн шеърият таъсири, айниқса, Чўлпон, Фитрат, А.Мухтор, Р.Парфи, А.Қутбиддин, Фахриёр сингари шоирларнинг ижодида кучлироқ сезилди.

Шундай бўлди-ки, Чўлпон ўзининг “Кўнгил янгилик қидирадир” деган ёзғиришларида, Фитрат ўзининг “Адабиёт қоидалари”да туркий шеърга янгилиниш кераклигини уқтира бошладилар.

Фитратнинг универсал шеърга мисол бўла оладиган “Нега бўйла” шеъри анъанавий бармоқ кирғоқларидан ўзиб кетаётгандек, кўнгил изҳорининг ифодаси ўзига янги бир шаклни бичиб олгандек таассурот қолдиради:

Сен келгач,

Кўнглимни

Қайғулар-ла, мотамлар-ла ўраган

Қора қалин пардалар

Йиртилди¹⁵.

¹⁵ Фитрат А. Чин севиш. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – Б.30.

Кўринадикки, кўнгил манзарасини фақат чизгилаб ўтиш, шартларга имолаш, туйғуларга ишоралашдек модерн шеъриятга хос хусусиятлар Фитрат шеъриятида ҳам уч берган эди. Унинг баъзи шеърларидан ўзингиз маъно яратасиз. Фаол ижодкорга айланасиз. Бу эскига қарши янгилик эмас, ўша эскининг замирида ётган, энди очилаётган, сиз очаетган анъана. Бу анъанага шоир атайлаб амал қилолмайди ёки янгича тафаккур даввоси уни инкор ҳам эта олмайди.

Уларнинг қаламидан тўкилган оҳорли мисралар кейинчалик бу шоирларни ўзларига маънавий устоз санаган ўзбек шоирлари шеърларида “Гурс этиб тушади кўз ёш томчиси...” (Асқад Мухтор), “Оташин музларга исинайлик, юр. Ёнғинли дарёда қулоч отайлик...” (Рауф Парфи), “Юрак.. эрка ихтисослашган” (Фахриёр), “Митти бир лаҳзага сиғсак иккимиз...” (Абдували Қутбиддин) каби кутилмаган ташбеҳларни, тафаккур торларини чертадиган “теша тегмаган” метафораларни юзага келтирди, модерн шеърнинг ўз қаддини тутиб олишига йўл очди.

Ўзбек модерн шеърияти ҳақида гап кетганда Асқад Мухтор шеъриятига алоҳида тўхталиш зарур. Асқад Мухтор XX асрнинг иккинчи ярмида замонавий шеъриятга янги оҳанглар, янгича ифода ва изҳор тарзини жорий эта бошлади. Адабиётда дўстлик хусусида қанчадан қанча шеърлар, қасидалар, манзумалар битилган. Бироқ, А.Мухторнинг “Дўст ўлимига” деб номланган шеъри тасвирнинг оригиналиги, изҳор тарзининг янгилиги билан бу асарларнинг ҳеч бирига ўхшамайди:

*Мен сени тушимда кўрдим чамаси
Умр йўлларида бахт, дард, тўлганиш...
Қандай ажойиб туш бунинг ҳаммаси!
Ва қандай мусибат бирдан уйғониш!
Менинг ҳам баргларим тўкилаёттир,
Қувонч маст қилмайди чопса омадим.
Нотаниш ночорлик солар ҳавотир,
Сени ҳам ардоқлаб қола олмадим.
Мен нима, мен фақат шомда бир шивир,
Мен она кўзида йилтиллаган нам
Ёки турналарнинг видо қўшиғи...
Фақат уҳ деёлдим ўша тонгда ҳам¹⁶.*

Шеърда “чархнинг кажрафторлиги”, “дунёнинг бебақолиги” каби мусибатни акс эттирадиган анъанавий тасвир йўқ. Инсон умрининг “шомда бир шивир”, “она кўзида йилтиллаган нам”, “турналарнинг видо қўшиғи...”га қиёсланиши шеъриятимиз учун янги, ҳиссиётларни жунбушга соладиган, кўнгил мусибатини аниқ ва тиниқ кўрсатадиган тасвир. Дўстнинг ўлиmidан ларзага тушган қалбнинг фарёдини биргина “уҳ” товуши ифода этапти. Мусибат залворини биргина товушга ортиш ўзбек шеърияти учун янги ходиса эди.

¹⁶ Мухтор Асқад. Йилларим. Шеърлар. – Тошкент: Ёзувчи нашриёти, 1990. – Б. 92.

Яна шундай иждокорларимиздан бири – истеъдодли шоир Рауф Парфи модерн шеърятни янги поғонага кўтара олган шоирлардан. Унинг ўзига хос поэтик мушоҳада услуби шеърятимизда алоҳида иждодий мактаб даражасига кўтарилди. Ҳассос шоирнинг қарийб барча шеърларида инсон эрки, озодлик куйланади ва шу эрка тажовуз солаётганларга нафрат сезилиб туради. Масалан, “Виктор Харанинг сўнгги қўшиғи” шеърига эътибор берайлик. Маълумки, Чилининг қўшиқчи шоири Виктор Хара Августо Пиночет бошчилигидаги Хунта томонидан Сантягонинг марказий стадионларидан бирида, озодлик қўшиғи, эрк гимнини куйлагани учун, ўзининг қасоскор шеърлари туфайли беш минг маҳбус олдида панжалари, сўнг қўллари кесиб ўлдирилган. Р.Парфи шу воқеани ўз шеърига тўлалигича киритади:

*Оҳ, сўнгги қўшиқни куйламоқ бунчалар қийин,
Виктор Харанинг кўзлари ўнгида
Унинг суюк она-Ватанини –
Етти торли муқаддас созини синдирдилар.
Сўнг унинг сарбаст қўшиқларига
жўровоз бармоқларини кесиб олишди.
Бир эмас,
Икки эмас,
Уч эмас...
Унинг ўн фарзандини –
Бармоқларини сўйди жаллодлар,
Ўзинг яратдингми шуларни, Тангрим!*

(Рауф Парфи, “Туркистон руҳи”, 154-б).

Ушбу шеърнинг изҳори насрий (эпик) услубга яқин, яъни ровий ривоятидек ўқувчига таассурот қолдиради. Бироқ тасдиқ, инкор, такрор, хитоб, фожиа ҳолатининг лаконик тасвири уни лирика қонуниятларига бўйсундирмоқда.

Шеър давомида оғир ўй-кечинмалар “Сўнгги қўшиқни куйлаш бунчалар қийин”, “Оғир, кўп оғир”, “Оғир нақадар”, “Нақадар оғир” тарзидаги такрорларга уланиб, Виктор Харанинг руҳий ҳолати ва матонатидан, ундаги эътиқодга бўлган комил ишончдан ўқувчини огоҳ қилиб туради.

Худди мана шу йўналишда иждод қилган шоирлардан бири Абдували Қутбиддин шеърятда ҳам поэтик мушоҳада услубининг ўзига хослигига дуч келади. Шоирнинг жуда кўплаб шеърлари модерн кайфият таъсирида ёзилган. Шоирнинг “Модерн”га қўшимча изоҳ” номли шеърида сиртдан қаралганда куз фаслига муносабат билдирилаётгандай туюлади. Лекин бу шеърдан ўқувчи бир қанча маъноларни илғаб олади:

*Балчиқдан-балчиққа аганаётган –
Сап-сариқ сояга сизинаётган –
Сентябр-октябр-ноябр –*

Ая-маъжусз йўнашсан куз (Абдували Қутбиддин, “Бор”, 201- б).

Мумтоз анъаналаримизни замонавий кўринишда ифодалаш Абдували Қутбиддин поэтик услубини белгилайдиган омиллардан бирidir. Куз фасли

моҳият эътибори билан кўнгилга аллақандай маҳзунлик, мискинлик бахш этадиган фасл. Жаҳон адабиётининг энг етук намуналарида, жумладан, М.Бульгаковнинг “Уста ва Маргарита”, Габриэль Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” да куз, ёмғир тасвирлари орқали ана шундай рухий ҳолат ифода этилади.

“Қиссаси Рабғузий” да нақл этилишича, одамзод лойи қирқ йил ёмғирга тўйинади. Ана шу қирқ йилнинг ўттиз тўққиз йили қазғу, яъни қайғу ёмғири эди.

Мумтоз шеърият манзарани романтик бўёқдорликда, яъни реализмдан юқорида пардаларда акс эттирган бўлса, модерн шеърияти ушбу манзарани анъанавий Шарқ шеъриятидан фарқли ўлароқ сайқалланмаган, лирика табиатига унчалик ҳам ўтиришмайдиган сўзлар, жумлалар, мисраларда акс эттиради. Юқоридаги шеърий парчадаги “балчиқдан-балчиққа”, “сап-сарик соя”, “ўйнашисан куз” каби жумлалар анъанавий эстетик тафаккур учун “дағал ва кўпол” туюлади, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, илоҳий сўзни қора тупроққа тенглаштиргандек бўлади.

Фикримизнинг исботи учун юқорида таъкидланган шеърнинг якунловчи бандига мурожаат қилайлик:

Кўчаларда, томларда, деразаларда

Ёмғири, гир-шири, нари-берида...

Куртлаган олмадай, кўп қаридай –

Куз азада –

Чексиз, сўнгсиз, тинимсиз,

Умидсиз...

Беҳад унумсиз.

Агар шеърга теранроқ разм солинса, А.Қутбиддин ҳам Алишер Навоийнинг

Хазон сипоҳига, эй, боғбон, эмас монень,

Бу боғ томида гар игнадин тикан қилгил –

фикрларига ҳамоҳангдир. Ҳар бир барғни дарахтга игна билан суқиб кўйсангиз ҳам хазон фаслини ортга суриб бўлмайди. Ҳар иккала шоир ҳам гуллашнинг хазонга, туғилишнинг интиҳога юз тутиши муқаррарлигини таъкидлапти. Бироқ икки хил шаклда, икки хил оҳангда.

Модернизмнинг асосий оқим ва йўналишлари бадиий восита ва усулларнинг барча тизимини ё рад этдилар, ё таниб бўлмас даражада ўзгартирдилар. Санъатнинг турли кўринишларида бу қуйидагича ўз аксини топди:

- тасвирий санъатда маконга оид тасвирларнинг ўзгариши ва образли-бадиий қонуниятларни рад этишда;

- мусикада оҳанг, маром (ритм) ва гармоник уйғунликнинг қайтадан кўриб чиқилишида;

- адабиётда “онг оқими”, ички монолог, ассоциатив монтажнинг пайдо бўлишида ва ҳ.к.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Модерн лирикада поэтик образ**” деб номланган. Бобнинг биринчи фасли “*Образ яратиш усул ва йўсинлари*”

бўлиб, унда модерн шеърятда образ яратиш усул ва йўсинлари, поэтик рационал, иррационал образ хиллари ўрганилиб, уларга тавсиф берилган.

Поэтик образ шеърятнинг энг муҳим, эҳтимол, ҳеч нарса - дахл қила олмайдиган ягона унсуридир. Адабиёт сахнида оқимлар ва йўналишлар, мавзулар ва сюжетлар, мотивлар ва кайфиятлар, сўзлар танловини белгиловчи расм-русумлар ўзгариши мумкин, лекин образ бевосита шаклда бўладими, метафора ёки ўхшатиш кўринишидами, яшаб қолаверади. Хусусан, “вазн ва метафора – кўшалок тушунчалар, бу ҳодисаларни қамрай ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлигини изоҳлай олишимиз учун бизнинг шеърятга таърифимиз етарлича муштарак бўлиши керак”¹⁷, деган фикр уқтирилади.

Поэтик образ яратишда қарама-қарши маъноли параллел нисбатлар ҳам учрайди:

*Бизлар узоқ чекиндик олға,
Енгавердик... мағлуб бўлгани.
Енгиб бўлдик, мағлубмиз энди,
Гулиқаҳқаҳ йўқдир кулгани.*

*Пахта эса, пахта кулмайди,
Маймун эмас йиғлагани у.
Хушомадлар келмас қўлидан,
У – шаҳаншоҳ, бадқовоқ мангу (Фахриёр, “Аёлгу”, 58-бет).*

Тасвиридаги параллелик, инкор, ҳатто инкорни-инкор усулида предметларни муқоясалаш орқали шоир ўзи қаламга олган мавзуга муносабатини анъанавийликдан кўра бошқача шаклда ифодалайди. Фахриёр “Бизлар узоқ чекиндик олға” мантиқсизлигидан мантиқ яратяпти; ютқизик учун пахта тимсолидаги байроқнинг берилиши билан боғлиқ параллелизмдаги зиддият фақат шаклий аломат бўлмай, шеърый образ мазмунига ўтиб, мутелик психологиясини очмоқда. Аёнки, собиқ тоталитар тузумнинг пахта сиёсати туфайли навқирон ёшида нобуд бўлган аёллар ва болалар – ютқизик, катта йўқотиш. Шоирнинг алам, ўкинч тўла сўзларини рад этишнинг асло иложи йўқ. Параллелизм усулидаги бу образ-лавҳа шоирнинг инсон умри, қадри, шаъни каби азалий муаммолардан баҳс юритади, китобхонни изтиробга солади, ўйга толдиради.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “Модерн шеърда метафорик тафаккур тарзи” деб номланади. Бу фаслда бадий тасвирий воситалардан рамз, эпитет (сифатлаш), метафораларга тавсиф берилади. Ифодавий ва тасвирий воситалар, усуллар оламида энг фаол, интенсив элементлар эпитет (сифатлаш) ва метафорадир. Эпитет маълум даражада шаклланган, ривожланган дид, гўзаллик туйғуси яратган ҳодиса, санъат, шеърят самарасидир. Турли рангларни билдирувчи эпитетлар (оқ, қора, қизил, сариқ, яшил, заъфарон ва х.) ўзининг қадимий этник қатламига эга. Айниқса оқ,

¹⁷ Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы. Перевод с английского. – Москва: Прогресс, 1978. – С. 202.

қора, яшил, сарик ранглари ўзбек шеърлятида азалдан мустикал рамз сифатида кенг қўлланилади:

*Ғунчалар пуштиранг ва заъфар
Зангори япроқлар шахрида.*

*Ғунчалар орзумдек ҳар сафар,
Ғунчалар қалбимнинг бағрида.*

*Қалбимнинг бағрида бир жаҳон
Ғаройиб эртақлар айтади.
Мен қайтиб келмасман ҳеч қачон,
Ғунчалар албатта қайтади*

(Рауф Парфи, “Туркистон руҳи”, 135-бет).

Мисол тариқасида олинган ушбу шеърда сифатловчи сўзлар объектив ходиса – ғунчаларнинг пуштиранг ва заъфарон ранглари англатаётган бўлса, “зангори япроқлар” эпитети конкрет ижодий жараён маҳсули – муайян ўзгариш ҳолатини кечирган, қайта яратилган субъектив ходиса – поэтик образ элементиدير. Р.Парфининг қатор шеърларида ранглар билан боғлиқ эпитетларни кўплаб учратишимиз мумкин. Шоирнинг “Уфқ яраланган алвон. Тўлғонар”, “Паға-паға оппоқ қор ёғар”, “Ёшлик зангор фасл, кечди, оқарди” каби шеърларида бутун бошли лирик лавҳа – образлар рангларнинг сифати орқали англашилади. Сифатлашлар ўзининг одатий маъносидан ташқари нозик ва ингичка мантиқи билан эпитет-метафора даражасига кўтарилади.

Метафора адабиётнинг универсал ходисаси бўлиб, исталган сўз туркуми ўрнида, аммо турли-туман кўчма маъноларда келиши мумкин. Метафорада, айниқса, модерн шоирларимиз шеърларидаги мажозларда айнан лирикагагина хос хусусиятлар: оламни ўзгача, одатдан ташқари ёрқин, нафис, рангин ёки қора бўёқларда, иррационал шаклларда кўриш, сирли, ғаройиб, ғайришуурий оҳангларни ҳис этиш, бошқача сифат бериш, бўлакча сувратларда тасаввур қилиш кўзга ташланади. Демак, модерн шеърда фикрни мухтасар, афоризмлардагидек санокли сўзлар орқали ифодалаш, уни иложи борича матн остига яшириб, шеърнинг умумий тугал ғоясидан келтириб чиқариш эҳтиёжининг кучлилиги ўз-ўзидан метафорик тафаккур тарзини талаб қилади:

*Бахтиёр бўлишим мумкин эмиш,
Шундай ёзилганмиш пешонамга.
Лекин мен ўқиёлмадим
ўша ёзувни.*

Кўзгуга қарадим.

Пешонамга ёзилганлари

тесқари кўринар эди кўзгудан (Фахриёр, “Аёлгу”, 42-бет).

Шоир, инсон неча бор уринмасин, ҳар қанча башоратларга ишонмасин, манглайга ёзилган тақдир-битикни ўзгартира олмаслиги ҳақидаги азалий ҳақиқатни ўринли метафора кўмагида, шуурига ғайритабиий ҳолда келган

кечинма-образ орқали лўндагина ифодаламоқда. Шунингдек, истеъдодли шоир Рауф Парфи ижодида ҳам метафора асосий ўрин эгаллайди. Шоирнинг “Тавба” шеърий китобидаги биринчи шеъри ҳам “Тавба” деб номланади. Бу шеър сонет шаклида ёзилган бўлиб, уч қисмдан иборат. Шеър бутун бошли метафоралар асосига қурилган. Шеърда “Ишқ сенсан, ошиқ ҳам сен, мен кулингман”, “Лойиқман қаҳринга, дўзахим-боғим”, “Омонат деворман, ўтман, кулингман” каби метафоралар шеърда метафорик тафаккур тарзини вужудга келтирмоқда.

Хуллас, А.Мухтор, Р.Парфи, Фахриёр, А.Қутбиддинлар аксарият шеърлари структурасининг асосини айнан метафора ташкил қилади. Метафора нафақат алоҳида олинган шеърларни ташкиллаштиради, балки кўп қатламли метафора А.Мухторнинг “Йилларим”, Р.Парфининг “Тавба”, Фахриёрнинг “Аёлғу”, А.Қутбиддиннинг “Бор” шеърий тўпламлари ҳар бирининг бош субъекти – китобнинг номланишига туртки бўлган.

“Универсал шеърнинг модернча талқини” деб деб номланган учинчи боб ҳам икки фаслдан иборат. Биринчи фасл *“Сонетда мифологик образларнинг ўрни”* деб номланган бўлиб, бу фаслда модернистик сонетларда халқ оғзаки ижоди, афсона ва асотирларнинг талқини таҳлилга тортилади. Модернизм йўналишида ижод қилувчи шоир ва ёзувчилар аввалбошданок ўз асарларида халқ оғзаки ижоди намуналаридан, миф, қадимги афсона, ривоятларидан фойдаланишган. Айниқса, Ж.Жойс, Ф.Кафка, Т.Манн каби ижодкорлар асарларида бу жиҳатнинг устиворлигини кўришимиз мумкин. Худди шундай, ўзбек модерн адабиётида ҳам фольклор намуналарига мурожаат кучли. Хусусан, Р.Парфи, А.Қутбиддин, Фахриёр ижодида мифик образлар, афсона ва ривоятлардаги образлар турлича талқинларга тортилади. Шуниси муҳимки, бу образлар тасвири умуминсоний қадриятларга таяниб, миллий менталитетни ўзига хос модернча ифодада поэтик талқин этганлиги билан аҳамиятлидир.

Биз тадқиқот объекти доирасида ўрганаётган шоирларимиз Рауф Парфи лирикасида “Семурғ қушим, подшо қушим, хуш келдинг”, “Йиртқич Ахраманнинг қонли ханжари”, “Сен букун Манфред, банди ва банда”, “Менинг илк шоирим Исфидан Зардушт” каби мифологик образларни, А.Қутбиддин ижодида “Семурғ тумшуғидан сув ичган Баходир”, “Машъум қалъа эгаси - Заҳҳок”, “Алпомиш совути – ғаройиб осмон”, Фахриёр лирикасида эса “Заҳҳоклар улийди, мияхўр шоқол”, “Сариклик тош ранги, ялмоғиз тошнинг”, “Нилуфарнинг кўйлагин сотиб олмоққа, Ёсуманнинг нафақаси етмайди” каби халқ оғзаки ижодида учрайдиган сайёр образларни учратишимиз мумкин.

Биз ушбу фаслда модернистик руҳда ёзилган сонет жанри, унинг табиати ҳақида тўхталар эканмиз, ўзбек модерн шеърятининг илк куртаклари сонет жанрида ўз ифодасини топганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ғарбдаги сонет шарқ шеърятини нафақат шаклий янгиланиш, ўзгаришга, шу билан бирга мазмун, маъно янгиланишига қўйилган қадам бўлди. Сонет ўзбек шеърятига янги руҳ, янги эстетик қарашларни жорий этди. Бирор

бир модернистик шеър ижодкори йўқки, у ўз истеъдодини сонет жанрида синаб кўрмаган бўлса.

